

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ


Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 1 июнь, пайшанба №65 (21.828.) Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

30 май кунги Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё-Америка тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси бошқаруви раиси С. Соларз раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.



СУРАТДА: қабул пайти. Р. ЖУМАНИЕЗОВ тасвирга олган (ЎЗА).

Президент меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, тadbиркорлик мамлакатимиз иқтисодидеги муҳим урин тутишини таъкидлади. — Ўзбекистон ҳозирги пайтда қўллаб ривожланган давлатлар, жумладан, Америка Қўшма Штатлари билан ҳам самарали иқтисодий ҳамкорлик қилмоқда, — деди Ислом Каримов. — Яқиндагина ишга тушган «Зарафшон—Ньюмонт» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси бунинг аққол ми-солидир. Мамлакатимиз

да жаҳоннинг йирик банклари, молиявий ташкилотлар, сармоядорлар уз ваколатхоналарини очган. Яратилган қулай шарт-шароит хорижий ишбилармонларнинг юртимизда фаолият кўрсатишига катта имкониятлар очмоқда. С. Соларз самимий қабул учун миннатдорлик билдира экан, мамлакатимизда тadbиркорликни ривожлантириш йулида Ўзбекистон раҳбарияти амалга оширатган ишларга юксак баҳо берди. Узи Ўзбекистон билан ҳамкорлиги яхши натижа беришига ишонч билдирди. Учрашувда республика Бош

вазирининг уринбосарлари У. Султонов, В. Чжен ҳамда Ўзбекистон Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажонов иштирок этди. Қабул маросимда Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Генри Ли Кларк ҳозир булди. (ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЛИТВАГА ТАШРИФИГА ДОИР

Литва Республикаси Президенти Альгирдас Бразаускасининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 7-8 июнь кунлари давлат ташрифи билан Литва Республикасида булади.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ: ЮТУҚЛАР ВА РЕЖАЛАР

31 май кунги Тошкентда «Ўзбекистонда хусусийлаштириш: эришилган ютуқлар ва унинг истиқбол» мавзусида халқаро семинар бошланди. У Ўзбекистон Давлат мулкни бошқариш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, БМТнинг тараққийот дастури ва БМТнинг санотни ривожлантириш бўйича ташкилоти (ЮНИДО) ҳамкорлигида ўтказилмоқда. Семинарда республикамиз вазирликлари, турли муассасалар, Ўзбекистондаги элчиликлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда. Анқумани Бош вазир уринбосари, Давлат мулкни бошқариш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси Виктор Чжен очди. У семинар қатнашчиларини Ўзбекистонда кенаятган иқтисодий ислохотлар жараёни билан таништирди. БМТнинг санотни ривожлантириш бўйича ташкилотининг директори жаноб Жорж Ватте, жаҳон банкининг худудий ваколатхонаси раҳбари Парвез Хасан ва Халқаро экспертларнинг Ўзбекистонда хусусийлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда уларнинг натижалари тўғрисидаги маърузалари тингланди. Уч кун давом этадиган маъруза халқаро семинарда хусусийлаштириш билан боғлиқ масалалар ва муаммолар муҳокама этилди. Ривожланган мамлакатларнинг ушбу соҳадаги тажрибаси юзасидан хорижий машур иқтисодчи ва тadbиркорларнинг маърузалари тингланди. Семинарнинг очилиш маросимда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холлид Маллик иштирок этди. (ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий салоҳиятини мустақамлаш, унинг авиация санотини ривожлантириш, замонавий авиация техникаси ва технологиясини вужудга келтириш, парвоз қилувчи аппаратларнинг янги авлодларини ишлаб чиқариш ва уларни ишлаш шохасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида:

1. Тошкент Давлат техника университетининг самолётсозлик факультети, Киев фуқаро авиацияси халқаро университетининг Тошкент филиали, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиаконкомпаниясининг ўқув маркази негизида Тошкент Давлат авиация институтини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиаконкомпаниясининг, Ўзбекистон «Ўзбекистон» давлат космик тadbиротлар агентлигининг, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг таклифлари қабул қилинсин.
2. Қўйидагилар институт фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари қилиб белгилансин:
 - авиация ҳамда авиасозлик корхоналари учун мутахассислар-конструкторлар, технологлар, таъмирловчилар ва ишлашувчиларни тайёрлаш;
 - авиация тизимларининг асосий ва татбиқий тadbиротлари соҳасида жаҳон ютуқларини ўрганиш негизида ўз илмий-заковат салоҳиятини ривожлантириш;
 - парвоз қилувчи аппаратлар янги авлодларининг иқодий лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
 - республикада авиация саноти тараққийотини илмий таҳлил қилиш ва истиқболни белгилаш;
 - авиация техникаси ва технологияси соҳасида жаҳон бозори конъюктурасини ўрганиш;
 - авиация соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш, жаҳон авиация фани ва технологиясининг энг янги ютуқлари негизида уларни қайта тайёрлаш;
 - Россия, Украина ва бошқа мамлакатларнинг етакчи авиация ўқув ҳамда илмий марказлари билан таълим ва илмий-tadbирот фаолиятини кенг қуламоқда кооперациялаш.
3. Урта маълумот негизида кичик мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Тошкент авиация техникуми базасида авиация коллежи ташкил қилинсин.
4. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси 15 кун муддат ичида маъруза Фармони амалга ошириш юзасидан ташкилий тadbирларни қўзда тутувчи тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ. Тошкент шаҳри, 1995 йил 31 май.

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ Б. Н. ЕЛЬЦИНГА

Мухтарам Борис Николаевич! Южносахалинск районидан юз берган кучли зилзила натижасида қўллаб одамлар халок бўлгани тўғрисидаги хабарни Ўзбекистон аҳолиси эшитиб, чуқур қайғуга ботди. Халок бўлганларнинг қаринош-руғуларига ва яқинларига самимий ҳамдардчилигини етказишимизни сураймиз. Ўзбекистон ҳукумати ва бутун халқи табиий офат оқибатларини тўғрида баҳоликуват мошйи ердан қўратилган ва тиклаш ишларида бевосита иштирок этишга тайёрдир.

Ислом КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

САХАЛИН АҲОЛИСИГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДА

1995 йил 27 майда Сахалин оролида урғи берган табиий офат — вайрон қилувчи кучга эга бўлган зилзила нуносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Сахалиннинг зилзиладан зарар кўрган аҳолисига бегараз моддий ёрдам кўрсатиш учун республика валюта фонди маблағлари ҳисобидан 100 миң АҚШ доллари ажратсин.
2. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки курсатиб утилган суммани республика валюта фондининг 79470404-сон «Халқ хужалиги бўйича бошқа харажатлар» счётидан Россия Федерацияси ташқи савдо банкидаги 07604001-сон «Сахалинга муруват ёрдами махсус счёти»га ўтказсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ. Тошкент шаҳри, 1995 йил 31 май.

Кони фойда корхона

Маҳмуд ака Шарипов чексиз хурсанд: ўғли уйланыпти. Қани энди дардли оёғига жон кирса-ю меҳмонларга ўзи хизмат қилса. 25 йилдан кўпроқ вақт у жамоа хужалигида ишлаб, оғир касалликка чалинган бўлса ҳам жамоа аъзолари уни ишдан бутамайтилар. Юқори Чирчиқ туманидаги «Гулистон» жамоа хужалиги тўй харажатларининг ҳаммасини кутарди. Тўй Қорасув бўйидаги «Боғи-шамол» оромгоҳида бўлиб ўтди. Аҳоли дам оладиган бу жойдан ташқари яна 20 гектар ерга ҳар хил мевали дарахтлар экилган эди. Бизнинг сўбатдошларимиз Абдусамит Турсунов, Абдумажит Умиров, Рустам Йўлдошевлар сузларига қараганда келаси йилдан бошлаб бу ердан олинладиган ҳосил бутун жамоа хужалигини таъминлар экан. Шунингдек, хужаликда қўллаб майда корхоналар, махсуслотни қайта ишлаб чиқарадиган цехлар ишлаб турибди. Шу жумладан Тошкент Давлат иқтисодий университетининг доценти Мирзатилла Абдураҳмонов раҳбарлигида сутни қайта ишлаш цехи ярим йилдан бери жамоа хужалиги аҳолисини саривғ, қаймоқ ва бошқа сўт махсуслотлари билан таъминланмоқда. Цехда хозирча уч киши бўлиб, ҳар кун бир тонна сутни қайта ишламоқда. Шу махсуслотга талаб ўсиши нуносабати билан цехнинг қувватини янада ошириш қўзда тутилмоқда. Хужаликда қурилган фақат шу биргина кичик корхонанинг самараси қанчадан-қанча маблаг ва вақтни тежашга имкон бераётди. Масалан, шаҳарга бориб-келиш учун урта ҳисобда икки соат вақт кетади. Транспорт ҳақини харид қилинган махсуслот нархида қўшас, бир килограмм саривғ 145 сўмга турти келади. Бундан ташқари хужалик фермасидаги буюқларга шаҳардан ёғсиз сўт олиб келинар ва бу эҳтиёжга кунига 25 литр ёғилги сарфланарди. Айни пайтда цех фермани ойига 20 тонна сўт билан таъминлаб турибди. Бу уз навбатда бир ойда 700 литр ёғилги ёки 5600 сўм маблагнинг тежалишини таъминлаётди. Демак, цех тула ишлаб турса, ҳар ойда жамоа камида 200 миң сўмини ва 18 миң соат вақтни тежайди.

Нутфилло ХҲҲАЕВ, иқтисод фанлари доктори, профессор.

САМИМИЙ ТАБРИК

ҲАЗРАТ АЛ МУКАРРАМ АЗИЗ АЛ ҲУЖУД ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Самимий селом ва қалбий эҳтиромларимизни йўллаб, бутун Ўзбекистон халқи юрбобоси булган Сиз олий зотини ва халқимизни муборак Курбон ҳайити билан табрик этамиз. Озолиқдан илгари бу байрам учун ташна кунлар ўтказилди. Алхамдулиллоҳ, бутун бу муборак йили Курбон байрами том маънодаги эркинлик ичра нишонланаётганини чин кўнгилдан табрик этамиз. Ўзбекистондан келган ҳожиларимиз Маккатул Мукаррамнинг энг гузал биналарида қамолди роҳати том ила ҳаж фарзларини адо қилдилар. Бу йилги фарзи ибодат Мовароуннахр мусулмонлари муфтийси Мухторжон ҳожи Абдуллоев ва Мухаммадали Маҳмудов ҳамда консулимизнинг савий гайратлари билан кўп оёсийишга ўтди. Саудия Арабистонига шундай муборак кунларда уз элчинини юборганлигиниз ҳамма-мининг бошмизини осмонга етказди. Сиз жаноби олийларга эйратингиз асносида Холмуд Шармайн Аш-Шарифайн ҳазрати олийларига Сиз билан биз бир тутишган қардошларимиз, дея таъкидлаган эдингиз. Элчи жанобларининг этиб келишлари билан икки давлат уртасидаги алоқалар кундан-кунга янада ривожланиб боришига аминдурмиз. Курбон ҳайитингиз муборак ва қутлуғ бўлсин, халқимизнинг бундоқ саодат, шоду хуррам кунлари билан икки давлат уртасидаги алоқалар кундан-кунга янада ривожланиб боришига аминдурмиз. Турхон ва Сафохон бин Жалоҳон Тўра, Мелидек ва Хуришбек ТОШКАНДИЙЛАР, Мўминжон ва Олимжон ИСМОИЛЖОН ўғиллари, Абдураҳмонхўжа, Аҳмадали Тўлқин ТУРКИСТОНИЙ, Абдуҳамид Маҳмуд АНДИЖОНИЙ, Абдуллоҳжон ИСМОИЛЖОН ўғли, Азамжон ТўРА, Абдуқодир Қори, Абдулҳаким Қори, Аҳмад АБДУЛАЗИЗ, МАККАТУЛ МУКАРРАМА.

Дон — ризқ-рўзимиз

Эзнинг ҳароратли нафасини галлазорлар тез илгайди: ям-яшил бошоқлар аввал қорамтир тус олади кейин олтин рангига бурканади. Бунда 1000-1200 гектардан галлазор бор. Майдонлар текис, суғориш ва озуқлантиришга қулай бўлганлиги галлазорларга қўл келди. Дарвоқе, бу майдонларда илгари пахта этиштирилди. Мустақиллигимиз туфайли галлага ҳам пахтадек эътибор бериладиган бўлди. Бу

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ БЕМИННАТ НОНИ

эса галлазорнинг ҳам обрў-этиборини жойига қўйди. Бир пайтлар давраларнинг турида пахтакор, пойгагида гарчи нонсиз кун ўтмасида галлакор утирарди. Энди улар ёнма-ён утиришмоқда. Бу, албатта, пахтакорнинг обрўсига заррача путур етказмайди. Давлатимиз гербид пахта ва бугдой бошоғи борлиги бежиз эмас. Қайси галлакор билан учрашманг бу йилги ҳосил чўгининг мулглигиндан, галла мустақиллиги сари дадил қадам қўйилаётганидан мамнунлигини пайқайсиз. Қалбингизга фахр туйғулари нурдай оқиб киради. Шу билан бирга галлазорларда аллақандай хавотир борлигини ҳам пайқасангиз мумкин эмас. Боисини суриштирдим. Мутахассислар буни оддий арифметика тили билан жўнгина тушунтиришди: бу йил мавжуд майдонлардаги галла ҳосилининг уз вақтида, нест-небудсиз киларди. Пахтачилик хужаликлариде бекор турган дон комбайнлари сафарбар этиларди. Энди эса ҳаммининг ташвиши бир хил: узидан ортмайди. — Аммо излаган имкон топар экан, — дея сўзини давом эттирди туман ҳокими Ш. Абдуғаниев. — Яқинда галлачилик хужаликларининг раҳбарлари ва мутахассислар, уста галлакорлар билан маслаҳатлашиб, шу масалада бир тухтамга келдик. Галла урим-йиғимига тула иштирокчи ва манфаатдорлик асосида аҳолини жалб этдимиз. Ҳисоб-китобларга кура, бундан хужалик ҳам, урим-йиғимда иштирок этган аҳоли ҳам катта нафат куради. Чунки урим-йиғимда иштирок этиб, қўлда 1 гектар майдоннинг галласини уриб берган кишига 200 кг. тозаланган бугдой берилди. Етарлики ишчи кунчага эга бўлган оилалар 10-15 кун урқ уриб анчамунча дон гахлаб олиши мумкин.

БОЛАЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ НОМИДАН СОВҒА

Республикадаги болалар ўйларининг ҳар бир тарбияланувчиси Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўнида мамлакатимиз Президентини номидан совға олади. Президент Ислом Каримов бу олижаноб мақсад учун 1 миллион 200 миң сўмдан кўпроқ пул ажратди. Шу пул ҳисобидан болалар учун спорт кийимлари ва мактаб формалари, кўйлақлар, ўғил болалар ва қизлар учун костюмлар сотиб олинди. 1 июнь кунги барча болалар ўйларига Президент совғалари тантанали вазиёта топирилиди. — Бу тадбир давлатимиз болалар тўғрисида қилганта гамхўрликнинг эркин намунаси, — деди Ўзбекистон халқ таълим вазири Жўра Йўлдошев. — Яқинда болалар ўйларининг номи узгартирилгани раийи маънога эга. Энди улар «Меҳрибонлик ўйлари» деб аталади, бу ном халқимиз руҳиятига месо келди. Отанининг меҳри ва маънавий махрум бўлган болалар тўғрисида ҳаминша гамхўрлик қилиб келинган. Бу яхши ағъна ҳозир ҳам давом этмоқда ва аниқ ишларда рубга чиқмоқда. Уч йил муқаддам мамлакатимиз мустақилликка эришган пайтда 6 миңдан ортиқ болалар ва қизлар давлат қаримотида эди. Ҳозир улар икки баравар камайди. Бу эса давлат ташкилотлари, жайрия жағмармалари фаолиятининг, кўпгина фуқаролар онгда қадриятларни янги баҳолашнинг бевосита натижасидир. Биз булай болалар фарзандликка олингани ҳақида тез-тез эшитмоқдамиз. Улар янги оилаларга фарзанд бўлиб қўшилмоқда, ота ва она меҳридан баҳраманд бўлмоқда. «Болалар ҳақида гамхўрлик — келажак тўғрисидаги баҳолашнинг бевосита натижасидир». Бу эътибор бизнинг уримизни босадиган янги, кучли, соғлом авлод Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий этган давлатлар қаторига олиб чиқишга ишончимизни мустаҳкамлайди.

А. ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида 1995 йил 30 майда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ўн учта банки иштирок этди. Сотув ҳақми 15,27 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 27,60 сўм даражасида қайд этилди. Марказий банк 1995 йил 31 майдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгиледи: — Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 27,60 сўм. — Сотилиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 27,60 сўм. Хорижий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинади. * — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъруза валюталарини ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

ФАРҒОНА (мухбиримиздан). Қўқон шаҳар партия кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташкилий масала қўрилди. УаХДП Қўқон шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Фотиҳ Азимов Қўқон шаҳар ҳокимининг муовини этиб тайинлангани нуносабати билан шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби лавозимидан озод қилинди. Қўқон шаҳар ҳокими муовини бўлиб ишлаб келган Соҳибжон Мавлонов шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби ва ижроия бюро аъзоси этиб сайланди. Пленумда УаХДП Фарғона вилоят кенгаши биринчи котиби Абдурашад Мирсалимов қатнашди ва сўзга чиқди. Алийер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Хабарингиз борми?

УЧКУДУК МАРМАРИ

Навоий вилояти нафақат саноати, балки ер ости ва усти қазилма бойликлари жиҳатидан республикамизда етакчи ўринда турди. Вилоят умумий маъданининг ушундан икки қисмини эгаллаган сарҳадсиз қизилкум кенгликлари борки, табиий бойликларнинг янги-янги туркумлари топилиши ва юртимиз мустақиллигига хизмат қилиши мўъжарар. Масалан, серкүш Ўзбекистонини жаҳонга танитаётган Муруттоволинни, Зарафшон ва Учқудуқдаги қимматлиқодер металллар захиралари билан ҳар қачон фазоладек арзийди. Айниқса, қадим Нуротадаги оқ ва қизил мрамр конларини айтмайсизми? Сифатли ва пишқиллиги жиҳатидан жаҳон бозори моллари билан бемалол рақобатлаша оладиган Нурота мрамрларига нафақат ҳамдустлик мамлакатларидан, балки хориждаги куплаб етакчи фирма ва компаниялардан харидлар келмоқда.

Навоийлик кон қидирувчилар узоқ изланишлар натижасида заҳира манбаси жуда катта булган яна бир кон типисини очди. Бу Учқудуқдаги қорамар конидир. Топилган ва кашф этилган қорамар сифат ва салмоқ жиҳатидан Америка, Япония, Африка, Италия, Бирлашган Араб Амириклари мамлакатларидаги энг сарв мрамрлардан воло қилишмоқда. Хозирги иқтисодий тангликлар даврида айниқса республикамиз учун хориқ валютаси тушумини таъминлайдиган бу мрамр ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Учқудуқдан топилган янги кон мрамрини қазиб олишда замонавий технология ва асособ-ускунага эга булган Италия технологияси жуда қўл келмоқда. Бу технология асосида ҳозиргаче 2,5 минг кубометр ҳажмдаги мрамр плиталар қазиб олинди. Яна бир қувончи томони шундаки, мрамр конлари яқинида қазиб олинган маҳсулотни қайта ишлайдиган корхона курилишига қизғин киришилди.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ойнаи жаҳонда бир қизиқ савол-жавобни эшитиб қолдим. Буюқ бобомиз Амир Темур тарихи билан шугулланиб юрадиган олимдан муҳбир сўради: «Соҳибқирон Амир Темур Тошкентда бўлганими?». У ўйла-ни турди-да, сўнг: «Бўлган. Чиноз атрофларида шаҳар ҳам қурдирган экан. Лекин анигини айтмайман...» деб жавоб берди.

Уйлаб қолдим. Кўнглимдан кўп мулоҳазалар ўтди. Биз ҳали буюқ жаҳонгирнинг оламшумул ишларидан кўпма хабардор эмаслигимиздан (хатто, тарихчилар!) куйиндим ва ўша саволга жавоб излаб тарихий манбаларни титқилдим...

Даставвал Искандар Зулқарнайн, ундан кейин араблар ва мўғуллар аёвсиз ўт қуйиб, бузиб ташлаган қадимий мудофаа аҳамиятига молик булган Шарқия — Банокат вайроналари урнида буюқ соҳибқирон шаҳар қурдиришга киришди. 1392 йили шаҳар росмана қаддини тиклади. Кейин соҳибқирон ўзининг сеvimли угли номини абадийлаштириш уйдаи унга Шоҳруҳия деган номни берди. Бу шаҳар Амир Темурнинг Тошкент водийсидаги энг мустаҳкам ҳарбий қалъаси ҳисоблана бошлади. Соҳибқирон бирор ёққа Тошкент орқали йўли тушадиган бўлса, бу шаҳарга лашкарлари билан келиб, ҳафталаб дам олиб утарди. Хатто, 1404 йили Шоҳруҳияга келиб, икки ойча қишлади. Совуқ чекинганидан кейин бу жойда ҳарбий машқлар ўтказган лашкарлари билан Хитой юришига чиққан эди.

Борган сари янги қурилган шаҳарнинг доврғи доvon оша бошлади. Уша пайтда хатто Сирдарёни ҳам Шоҳруҳия дарёси деб атай бошладилар. Улғбек Мирзо ҳам бобоси уадумини қилиб, Шоҳруҳияга тез-тез келадиган булган эди. 1416 йили Улғбек бу шаҳарга келиб, лашкарлари билан яшаган, кўшимча соқчилик миноралари қурдириб, ҳарбий машқлар ўтказган. 1425 йили эса Мўғулистонга юриши олидиган Шоҳруҳияга келиб қишлади ва бобоси сингари бу шаҳарда катта ҳарбий тайёргарлик қурди. Заҳириддин Мухаммад Бобур ҳам худди бобоси сингари Шоҳруҳияни қуришга ошиқарди. Шу боис у «Бобурнома»да бир неча бор бу ғаройиб шаҳар ҳақида ёзди. Шунингдек, темурлардан Султон Аҳмад Мирзо, Султон Маҳмудлар ҳам лашкарлари билан бу манзилга келиб, ҳарбий машқлар ўтказганлар.

1502 йилга келиб Шоҳруҳия янада обод бўлади. Хатто, куркамлиги жиҳатидан Тошкент шаҳри билан бахшландай. Аммо узаро феодал урушлари туфайли қандай тез қурилган бўлса, шундай тез вайрон бўлади. Бу турғида «Бобурнома»да шундай дейилган: «Шайбоқхон худ Шоҳруҳия навоҳисини — ук чопиб ёнгондур. Ул фурсатда Пискен Мулла Ҳайдарнинг угли Абдуманноба эди» («Бобурнома» 88-бет.).



СОҲИБҚИРОН ҚУРДИРГАН ШАҲАР

Хуш, Шоҳруҳия шаҳри Тошкент вилоятининг қаериди булган, нега кўпчилик уни бир кўрмоқчи ҳавас қилган, деган саволлар туғилиши мумкин. Бу кўхна, қадимий, вайрона шаҳар Оҳангарон (қадимий номи Илок) дарёсининг Сирдарёга қуйилиш жойи яқинида бўлиб, Оққургон туманидаги Султон Сегизбоев номи давлат хужалиги худудидадир. Сирдарёнинг унғ қирғоғидаги Оҳангарон сувининг

чап томонидаги Шарқиясой ва Баҳорсойлар (бу сойлар қадим замонда шаҳар мудофааси учун атайлаб қазилган экан) оралиғида, яъни турт томони сув билан уралган шаҳар бўлиб, унинг илк номи Шарқиядир. Араблар истилосидан кейин шаҳарнинг номи Фанокат (Чор тарафи сув билан уралгани боис шундай дейилган бўлиши мумкин) деб аталган. Кейинчалик Банокат дея аталди. Амир Темур қайта қурганидан кейин эса Шоҳруҳия номини олган.

Бу шаҳар Шоҳруҳия бўлиб тиклангунга қадар Банокатда фан ва маданият, хунармандчилик, бинокорлик жуда тараққий этган экан. Милодий 983 йилда ёзилган «Худуд ул-олам» (муаллифи ҳалигача аниқ эмас) китобида «Банокат кичик бир шаҳар, унда камони шойиш ясалди» дейилган. Ҳақиқатан, уз даврида Шош камони сифати ва чидамлиги билан машҳур булган. У Шош худудидида Банокат шаҳрида ясалган. Бу ерда фақат камон эмас, қайиқлар ҳамда турли-туман сопол идишлар, сопол плита чироклари, отлар учун эгар-жабдуқлар, олтин ва қумуш заргарлик буюмлари ҳам тайёрланган. Шаҳарга кираверишдаги катта бозор теваарагида тайёрланган буюмларни сотадиган дўкончалар булган. XIII асрнинг машҳур

олими Фаҳридин Абу Сулаймон Банокатий (1329 йили вафот этган) ана шу шаҳарда туғилиб, ижод этган. Унинг жуғрофия, тарихга оид асарлари ҳамда шеърйи китоблари Миср, Эрон илмий-тадқиқот илм-гоҳларида сақланади. Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида Банокатийнинг 18 та қўлёзма асари бор.

Банокатга мўғуллар ҳужум қилганида шаҳарни иш-гол этиш жуда оғир булган. Душман атрофи сув билан уралган бу шаҳарни эгаллаш учун анча куч йўқотган. Мўғуллар шаҳарни эгаллаганидан кейин алаимзадалик билан уни аёвсиз бузган. Бузилиши қийин булган жойларни эса ўт қуйиб қулини кукка совурган. Аҳолини шафқатсиз равишда қиличдан ўтказган. Бойликларини талон-тороҳ қилган.

Тарихдан маълумки, Сирдарёдан Тошкентга ўтишда икки йул — шимолий ва жанубий Ипак йуллари булган. Банокат жанубий Ипак йулида бўлиб, унда ундан ортиқ карвонсаройлар йўловчиларга хизмат қилган. Унинг атрофидаги работлар мева-сабазавот, озиқ-овқат билан шаҳарни таъминлаб турганлар. Ривоятларга қараганда, ўттиз чакиримча қўзилган бу шаҳарда ҳаёт қайнаган. Хатто ер ости йуллари ҳам булган. Сирдарёнинг нариги қирғоғи дарё тубида ўтиш йули ҳам қазилган экан. Айрим ер ости йулари ва йуллари уринлари археологлар томонидан топилган.

Шоҳруҳия вайроналаридан қазиб олинган топилмаларни ургиниш натижасида аниқланишича, асосан шаҳар турт марта — юнонлар, араблар, мўғуллар ва узаро феодал урушлар туфайли вайрона булган. Вайроналар урнида кўпдан бери илмий изланишлар олиб бораётган археолог олим Юрий Федорович Буряковнинг тушунтиришича, шаҳарнинг кейинги Амир Темур томонидан тикланиши асосан ҳарбийларга мўлжалланган бўлиб, қайта тикланган қалъа деворлари бурчакларида соқчилар учун алоҳида кузатиш миноралари қурилган. Шу билан бирга, янги шаҳарга атрофдан ва бошқа жойлардан кўчиб келган аҳоли учун ҳам яшаш жойлари, савдо карвонлари учун карвонсаройлар, бозорлар ва дўконлар ҳам ҳозирланган. Шаҳар аҳолиси асосан хунармандлар булган. Тункент ва Имлок (ҳозирги номи Олмалик) шаҳарларидан кўчириб келтирилган заргарлар олтин, қумуш, мислардан турли зебу-зийнат буюмлари ишлаганлар. Самарқанддан келганлар эса ўчоқ ва тандилар қуришиб, аҳолини мазаали оқватлар ҳамда иссиқ, бирсидиққон наонлар билан таъминлаб турганлар. Шунингдек, олимнинг «Тошкент воҳасининг тарихий топографияси» («Фан» нашриети, 1978 й.) ва бир неча археолог олимларнинг «Қадимги ва ўрта асрдаги Шарқий Мовароуннаҳр шаҳарлари» («Фан» 1990 й.) каби китобларида ёзилишича, Шоҳруҳияда ўттиздан ошшқ кулолнинг сопол буюмларини пишириш қуралари, ундан ортиқ гишт хумдонлари, ойна ва ойнадан ишлаб чиқариладиган буюмлар устахоналари, қурол-аслаҳа тайёрлаш корхоналари булган экан. Ривоятларга қараганда, Зангиота меъморчилик мажмуи қурилишига соҳибқироннинг лашкарлари томонидан турли рангли гиштлар Шоҳруҳиядан қулма-қул узатилиб келтирилган эмш.

Олим ҚўЧҚОРБЕКОВ.



ЎЗБЕК ДИЁРИДА ҚИРҒИЗНИНГ ТҮЙИ



Маълумки, бу йил қирғиз халқ оғзаки ижодини буюқ намунаси бўлиши «Манас»нинг яратилганига 1000 йил тўлади. Шу муносабат билан БМТнинг фан ва маориф бўйича қўмитаси — ЮНЕСКО 1995 йили «Манас» йили деб эълон қилган. «Манас» эпосига ЮНЕСКО томонидан бу даражада эътибор берилиши унинг дунё адабий меросида ўзига хос ўрин эгаллашидан даракдир.

«Бу уз навбатидида қирғиз халқи тарихини, маданий-маънавий салохиятини дунёга танитади. Дунё ўзбеки-ни Алломиси ва Гурӯғлисидан таниса, қирғизини Манасидан таниди, бу халқлар руҳиятини, кечинмаларини шу дostonлар орқали янада яққолроқ кашф этади», дейилди яқинда Сирдарё вилоятининг Шароф Рашидов туманида бўлиб ўтган «Манас» анжуманида.

«Манас» туйининг Ўзбекистонда нишонланаётганидан, унда иштирок этаётганидан бешад хурсандман. — дейди Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси Оқилбек Жумабоев. — «Манас» азалий дўстлигимизнинг мустаҳкам куприғи бўлиб қолишини истайман.

Дарҳақиқат, «Манас» бутун туркийзабон халқлар туйига айлиниб бормоқда. Бу эса, Марказий Осиё халқлари дўстлигини яна бир поғона юқорига кутаради, мустаҳкамлайди. — Бутунги йигинимизда фақат қирғизлар ёки ўзбеклар қатнашаётгани йўқ. Унда рус ҳам, тожик ҳам, қозоқ ҳам, туркман ҳам иштирок этмоқда. Демак, «Манас» туйи яқини ниятди, дўстликка интилган халқлар туйи. Шунинг учун ҳам бу йил 25-31 август кунлари Манаснинг ватани, туғилиб ўсган юрти бўлиши Қирғизистоннинг Талас шаҳрида буладиган «Манас»нинг 1000 йиллик тантаналарига тайёргарлик ишида бутун Марказий Осиё республикалари қумаклашмоқда. Масалан, Ўзбекистон қурувчилари Таласда ўзбеккона чойхона қуриб бермоқда, қозоқлар эса меҳмонхона, шунингдек, туркманлар ҳам, тожик қурувчилари ҳам йирик ишларни амалга оширишмоқда. Бу туй халқлар дўстлиги туйи бўлади, — деди анжуманда сузга чиққан Жиззах вилоят ҳокими муовини, республика Давлат мулк қўмитаси Жиззах вилояти маданий маркази раиси Аббор Каримов.

Шунинг учун ҳам сирдарёликлар бу дўстлик туйини республикада биринчилардан бўлиб бошлаб берди. Анжуман вилоят қирғиз миллий маданий маркази ҳамда туман ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилди. Унда Гулистон, Янгйер шаҳарлари ҳамда кўшни Жиззах вилоятидан вакиллар қатнашди. Шунингдек, таниқли олимлар, ёзувчи ва шоирлар, фаҳрийлар, ота-оналар ва мактаб ўқувчилари ҳам анжуман иштирокчилари бўлишди. Улар Манас ким, унинг қаҳрамонлиги нимада, деган саволларга жавоб топиб, у турғида уз фикрларини янада бойитдилар, «Манас» халқлар дўстлиги куприғи бўлиб қолишига имон келтиришди. Анжуман сунгида туман дастачилари йиғилганларга концерт намойиш этишди. Даврада миллиятлар дўстлиги намоян бўлди.

Алишқул СУЛТОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: анжуман иштирокчилари Ш. Рашидов ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйишмоқда. Нурмамат АЎМУРАДОВ олган сурат.


БИР ТАНУ БИР ЖОНМИЗ

Газетамизнинг шу йил 13 май сонидида «Туркистон — умумий уйимиз» умумий сарлавҳаси остида берилган саҳифа материаллари юртдошларимиз фикрларига ҳамоҳанг чиқкани улардан келаятган мактублардан ҳам маълум. Мана, улардан бири. «Қишлоғимизда ўзбеклар, туркманлар яшайди. Ҳам туркманман. Бу ерда икки миллатнинг бирдек қадриятлари, удумлари ҳозиргача қандай бўлса, шундай сақланиб қолган. «Сен туркман» ёки «ўзбек экансан» деган гап йўқ. Ҳаттоки шундай ёнгангизда турса бу иккала миллат вакилини ажрата билиш амримаҳол. Улар оғайни, қуда-анда бўлиб кетишган. Кўп йиллардан бери «Ўзбекистон» жамоа ширкат ҳужалигида чўпонлик қилмаган. Бу менга ота касб. Дарвоқе, раҳматлик отамнинг «Ўзбек билан туркманнинг чўпони, қўраси бир» деган жайдари гаплари буларди, ҳеч эсимдан чиқмайди. Дарҳақиқат, истиқлол шарофати ила узолигимизни англаймиз. Туркистонни ягона Ватан деб билаётганимиз юқориде отам айтган сузларнинг исботи эмасми? Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида юртбошимиз Туркистон аталмиш ягона муқаддас Ватанини битта оила, битта рўзгорга менгабди. Мен бундан бениҳоя хурсанд бўлдим. Марказий Осиё минтақасида яшовчи миллатлар уларини бир-бирларидан айри ҳис этолмайдилар ҳам. Ҳозирги кунда яқинлашув, яқдиллик зарур. Бу эса халқларнинг маданиятини, саноатини, иқтисодиятини, маърифатини бир-бирига боғлайди. Шундангина улғ бололаримиз оруз этган Туркистон вужудга келади. Зеро, бизнинг тарихий қисматимиз, азалий келиб чиқшимиз шунга тақозо этади.

Тўлай НУРИЕВ, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган чорвадор, Баҳористон тумани.

ТАШКИЛОТ
Тошкентдаги омборхонадан пул ўтказиш йўли билан
386 DX 40/4/270/512/SVGA 0,28 русумли компьютерлар ва уларга STAR 1500 тонфадаги принтерларни
50 кг.га мўлжалланган жут копларини
3,2 л. сифмдаги термосларни
СОТАДИ
Мурожаат учун телефонлар: 68-53-53, 68-66-06.

Тежамкорлик
МУСТАҲКАМ АСОС
Туйтепадаги 74-автокорхона жамоаси кўп йиллардан бери аҳолига намуналий транспорт хизмати курсатиб келади. Унинг урнида нодавлат тармоғи — хиссдорлик корхонаси вужудга келган, ишда сезиларли силжишлар руй берди. Фақат ўтган йилнинг узида юк ташуш белгиланганидан қарийб 67 минг тонна қўлайди. Шу хизматдан олинган фойданинг узи бир миллион 900 минг сумдан ошди. Бошқача айтганда, фойдалилик 72,3 фоизни ташкил қилди. Ойлик иш ҳақи бир неча баробар ортди. — Жамоанинг барча ютуқларида ХДП аъзоларининг муносиб улўшлари бор, — дейди автокорхона бош директори Акбар Комиллов. — Улар айниқса, хусусийлаштиришнинг ҳаётий зарурати, афзаллиги ҳақида кўп тушунтириш ишлари олиб бораётдилар. Тежамкорликда эса уларни бошқаларга урناق. Автокорхонада кейинги бир йилда 1,5 тонна бензин, 3 тонна дизель ёнилғиси тежаб қолинди. Бошланғич партия ташкилоти котиби Минзоҳид Мифтаховнинг таъкидлашича, 18 нафар ХДП аъзосидан ҳаракат ҳавфсизлиги муҳандиси Анвар Юсуфжонов, 1-автокорхона бошлиғи Олим Ганимов, ҳайдовчилардан Маҳкам Йўлдошев, Усмон Кузиев сингарилар жамоат ишларида ҳам фаол қатнашаётдилар. Жамоа аъзоларини, фаҳрийларни ижтимоий муҳофазалашда маъмуриятга яқиндан қумаклашмоқдалар. Корхонада ишловчилар тушлигини қоплаш, қишлоқ ҳужалик маҳсулотлари билан таъминлаш ва бошқа маданий-маиший тадбирлар дуруст йўлга қўйилган. Автокорхона жамоаси низоом жамгармасининг 49 фоизига эғалик қилмоқда. Ҳозир 662 та ёки 25 фоиз акция эркин савдога чиқариш учун республика фонд биржаси иختиёрига ўтказилди. Биржа билан тузилган шартномага биноан бу акцияларнинг ҳар бирига 250 сумдан пул ўтказилляпти. Ҳисоб-китобларга қура, ҳар бир акция эгаси бугунги кунда сотиб олинган баҳога нисбатан 15 баравар кўп фойда олмақда. Айни пайтда корхонани барқарорлаштириш дастури бўйича қатор юмушлар амалга ошириляпти. Ҳўллас, Урта Чирчиқ туманида бундан кейинги фаолиятда ҳам яқинда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида юртбошимиз таъкидлаганидек, кўпроқ иқтисодий эркинлик, кўпроқ мустақиллик, кўпроқ тадбиркорлик — мана шулар барча ишларимизнинг асоси бўлиши керак. Абдуваби МАННОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Наманган қадимдан гуллар шаҳри ҳисобланади. Бу ерда жаҳоннинг турли мамлакатларидида ўстирилятган гулларни келтириб кўпайтираётган моҳир гулчилар бисёр. Улар дунёнинг йирик марказларида ўзлари етиштирган маҳсулотларини намойиш этиб ташловларда бир неча бор гулоб чиқишган. Наманганда аънанавий равишда гул байрамлари ўтказиб турилиши бежиз эмас. Бу гапги — 35-гул байрами ҳам кўпчиликда яқши таассурот қолдириди. Бу байрамга мамлакатимизнинг турли бурчакларидан меҳмонлар келишди. Ёзувчилар, олимлар ва бошқа турли касб эгалари Гузаллик байрамидан баҳараманд бўлишди. СУРАТДА: аънанавий гул байрамидан лавҳалар. Турғунбек МАХКАМОВ олган суратлар.

ҲАҚ-ҲУҚУ ҚИРГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?
Савол: Турмуш ўртоғим билан бирга яшамаямиз. Мен уйда йўқлигимдан фойдаланиб, у ўғлимни олиб кетибди. Фарзандимни қайтариб олмақчиман. Кимга мурожаат қилай?
Х. Иброҳимова, Самарқанд шаҳри.
Жавоб: Ўзбекистон Ниқоҳ ва Оила кодексининг 79-ва 80-моддаларига асосланиб эришгиз яшаётган туман судига углингнизи қайтариш учун даъво аризаси билан мурожаат қилинг.
Савол: Мен 16 йилга тўлдим. Мустақил Ўзбекистон паспортини олиш учун қандай ҳужжатлар топширишим зарур?
Ғ. Ҳакимов, Фарғона вилояти.
Жавоб: Сиз яшаб турган туман ички ишлар бўлимининг паспорт бўлимига Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиғи белгиланган шаклдаги ариза билан мурожаат қиласиз. Тугилганлик тугрисидаги гувоҳномаингни топшириб, яшаб турган жойингиздан далоятнома, 2 та 35-45 миллиметр қатталикдаги оқ-қора еки рангли фото сурат топширасиз ва паспорт учун белгиланган суммаини тулашнингиз зарур бўлади.
Савол: Қўшим билан уй-жой масаласидида жанжал бўйича туман суди чиқарган ҳукмдан норозиман. Менгича, ҳовлининг бир қисми бизники бўлиши керак эди...
М. Иброҳимов, Хоразм вилояти.
Жавоб: Сиз туман суди ҳукмидан норози экансиз, бу ишни Хоразм вилояти судига касасация ёки назорат тартибидида қуриб чиқишларингиз сураб мурожаат қилинг.
Забихўлло МУХАММАДЖОНОВ, ҳуқуқшунос.

Ўзбекистон бозорига дунё эътиборидидаги ДИКТАФОНЛАР, МИКРОКАПЬКУПЯТОРЛАР, КАНЦЕЛЯРИЯ БУОМЛАРИ билан шаҳдам кириб келаятган "Наргизабону" кичик корхонасидагина "йўқ" сўзи истеймоп қипинмайди. Ҳақ тўлаш — турлича. Телефон: 77-86-82. Манзил: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, 9 "Е" уй. Метронинг Ҳамаза бекати яқинида. "Бешёғо" супермаркетида ва Собир Раҳимов метро бекатида фирма дўконлари фаолият қўрсатмоқда.

"ТУРОН" ОСИЁ ТЕХНИКА КОМПАНИЯСИ
70 фоизи АҚШдаги конвейердан "Konica U — VIX" нусха олиш техникаси Тошкентдаги ошбордон сотилоди. Кафолати — бир йил. Шунингдек, сарфланувчи материаллар ва эътиёт қисмлар етказиб берилди. Исталган русумдаги нусха олиш техникасини ўзатиш ва техник хизмат қўрсатиш учун бир йилга шартномалар тузилади. Биз Сизнинг муаммоларингизни биламиз ва уларни ҳал қилишда кўмаклашамиз. Телефон: (3712) 44-59-55, Телефон/факс: (3712) 44-55-12.

